

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

4-5 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар биринчи ўқишда бир қатор лойиҳаларни кўриб чиқдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси, депутатларнинг фикрича, мамлакат аграр соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга, фермер хўжаликлари маблағларини устав фондига жалб этиш орқали уларнинг капиталлашув даражасини оширишга, фермер хўжалиқларининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, етиштирилаётган маҳсулот сифати ва хавфсизлигини таъминлашда фермерларнинг мажбуриятларини янада аниқроқ белгилашга хизмат қилади.

Мажлисида «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида режали текширувлар ўтказиш, шу жумладан банк ва молия тузилмаларининг фаолиятини тафтиш қилиш кўпи билан беш йилда бир марта амалга оширилиши назарда тутилади.

«Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни (янги таҳрири) тасдиқлаш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги қайд этилди. Қонун лойиҳасида судьялик лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлаш тизимининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш, суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини янада таъминлашнинг Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш кўзда тутилган.

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишда ушбу қонун лойиҳаси давлат бошқарувининг тегишли органлари томонидан суғурта қилдирувчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган суғурта

қилиш мажбуриятларини бажариши устидан самарали назоратни таъминлаши қайд этилди. Депутатлар корпусининг фикрича, киритиладиган тузатишлар давлат назорати органлари томонидан суғурта қилдирувчилардан тегишли маълумотлар олиш имкониятини назарда тутди. Бу суғурта қилдирувчиларга суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар, шунингдек, суғурталанган мол-мулк ва суғурта суммаси тўғрисидаги маълумотларни, яъни суғурта қилдирувчилар томонидан суғурта қилдириш мажбуриятлари бажарилиши ҳолатини аниқлаш учун зарур ахборотни давлат бошқарувининг тегишли органларига топшириш имконини беради.

Батафсил муҳокамадан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси юқорида таъкидланган қонун лойиҳаларининг асосий қоидаларини маъқуллади ва депутатларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда уларни биринчи ўқишда қабул қилди. Иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун ҳужжатларни тайёрлаш масъул Қўмита зиммасига топширилди.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси чоғида Депутатлар гуруҳи аъзолари ушбу қонунни қабул қилиш муҳимлигини қайд этган ҳолда, қонун лойиҳасида юридик ва жисмоний шахсларнинг табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатига риоя қилишини кузатиш, фуқароларни

атроф-муҳит ва табиий ресурсларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга доир ишларни амалга ошириш бўйича ваколатларга эга бўлган экологик назоратнинг жамоатчилик инспекторлари институтини жорий этиш таклиф этилаётганлигини, бу эса Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни соғломлаштириш ишида жамоатчиликнинг фаол иштирок этишини ҳар тарафлама кучайтиришга доир дастурий вазифаларига мувофиқ келишини таъкидлади. Бундай жамоатчилик инспекторлари институти АҚШ, Буюк Британия, Германия, Корея Республикаси каби чет эл давлатларининг табиатни муҳофаза қилишга доир амалиётида кенг қўлланилмоқда.

Умуман олганда, депутатлар жамиятимизнинг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, шунингдек мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган вазифаларни амалда рўёбга чиқаришнинг муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати материаллари
асосида тайёрланди.**

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



ФЕРМЕРЛАРГА ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ФЙДАЛИ БЎЛАДИ

Президентнинг 19.04.2013 йилдаги ПҚ-1958-сон қарорини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 21.06.2013 йилдаги 176-сон қарори билан томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштириш тартибига доир низомлар тасдиқланди.

Қарор билан томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш устувор тартибда амалга ошириладиган ер участкалари белгиланди. Улар орасида – ирригация эрозиясига учраган кучли нишабли ер участкалари, боғлар, узумзорлар учун ажратилган ер участкалари ва бошқалар бор.

Шуни эслатиб ўтамизки, Президентнинг юқорида тилга олинган ПҚ-1958-сон қарори билан 2013–2014 йиллар даврида томчилатиб суғориш тизимларини жорий этувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқарувчиларини рағбатлантириш механизмни синов тариқасида қўллаш режалаштирилган эди.

Ушбу чоралар ВМнинг ҳозирги 176-сон қарори билан мустаҳкамланган. Хусусан, фермерларга тежалган сув ресурсларидан бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари ўстириш учун фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Шунингдек ҳужжат билан томчилатиб суғориш тизими ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологиялари учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган ташкилотларга декларация қилинган нархлар бўйича полиэтилен гранула харид қилиш учун ҳар йиллик квоталар ажратилиши назарда тутилди.

Томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш тасдиқланган Давлат дастури асосида амалга оширилади.

2013–2014 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини

яхшилаш жамғармасининг кредит линияси ҳисобига тажриба тариқасида томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш учун тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомда фермер хўжалиқларининг имтиёзли кредитларни олиш имконияти назарда тутилган. Кредитни қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фақатгина Давлат дастурига киритилган лойиҳани молиялаштириш учун олишлари мумкин.

Одатда кредит ЭКИХнинг 1 000 бараваридан ошмайдиган миқдорда, камида 3 йил муддатга берилади. Қарз олувчида бир ёки бир нечта таъминот турлари мавжудлиги уни олишнинг мажбурий шартини ҳисобланади. Бу гаровга қўйиладиган мол-мулк ёки қимматли қоғозлар; банкнинг ёки суғурта ташкилотининг кафолати; кафиллик бўлиши мумкин. Шунингдек кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган асбоб-ускуна унинг қийматининг 80 фоизига тенг миқдорда гаров предмети бўлиши мумкин. Низомга мувофиқ банк 10 иш куни мобайнида кредит бериш ёки кредит беришни асосли рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак.

ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЯТ ВА ДАМ ОЛИШ МАРКАЗЛАРИ АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

«Обод турмуш йили» Давлат дастурини бажариш доирасида Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2013 йилдаги 178-сон қарори билан 2013–2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



базасини ривожлантириш бўйича тадбирлар комплекси, шунингдек ушбу марказлар тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Хусусан, 1 777 та маданият уйлари ва клуб муассасалари негизда 894 та маданият ва аҳоли дам олиш марказларини (улардан 38 таси – имкониятлари чекланган шахслар учун) барпо этиш режалаштирилмоқда.

Янгидан ташкил этиладиган марказларнинг моддий-техника базасига алоҳида эътибор берилади. Марказларни жойлаштириш учун мос келадиган биноларда кўп функцияли заллар мавжуд бўлиши шарт. Маданият ва аҳолининг дам олиш марказлари учун бинолар қишлоқ кинотеатрлари ҳамда идоралар, ташкилотлар ва корхоналарнинг, собиқ колхозлар ва совхозларнинг фойдаланилмаётган бинолари ажратилади. Улардаги мавжуд, фойдаланишга яроқли мусиқа асбоблари ва анжомлар янгидан ташкил этиладиган маданият ва аҳолининг дам олиш марказлари балансига белгиланган тартибда берилади. Ҳужжат билан марказларни замонавий ахборот ресурслари ҳамда даврий матбуот нашрлари билан таъминлаш ҳам назарда тутилган.

Бўлғуси ходимларнинг 2 ой муддатда аттестациядан ўтказилишини таъминлаган ҳолда марказлар штатини бутлашга алоҳида масъулият билан ёндашиш тавсия этилган.

Ҳужжат билан марказларда тўғарак машғулотларини ўтказишга мусиқа ва санъат мактаблари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқитувчиларини кўпи билан 0,5 ставка ҳисобидан, контракт асосида жалб этишга рухсат берилди.

Марказларнинг энг муҳим вазифалари орасида Интернет-студиялар, электрон ресурслар воситасида ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш курслари ташкил этиш, қизиқарли ва мароқли томошалар, тўйлар ва бошқа тантанали тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш, фото ва амалий санъатнинг доимий ва вақтинчалик кўргазмаларини ўтказиш, қизиқишлар бўйича студиялар ва тўғараклар ташкил этиш ва бошқаларни тилга олиш мумкин.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР КИРИТИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 26.06.2013 йилдаги 183-сон қарори билан 2011–2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатиш киритилди.

Ҳужжатга мувофиқ Дастурга саккизта корхонанинг 13 та янги лойиҳаси киритилди.

Белгиланишича, мазкур Қарорга мувофиқ Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган ташкилотларга Президентнинг 27.01.2009 йилдаги ПҚ-1048-сон қарорининг 3-бандида назарда тутилган имтиёзлар:

божхона тўловлари бўйича – мазкур Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб;

солиқлар бўйича – 2013 йил 1 июлдан бошлаб қўлланади.

Шуни эслатиб ўтамизки, ПҚ-1048-сон қарорнинг 3-банди билан қуйидаги корхоналар:

четдан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик жараёнида фойдаланиладиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари);

маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишининг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинган.

Қарор билан Маҳаллийлаштириш дастуридан иккита корхона чиқариб ташланди.

ҲАЙДОВЧИЛАРНИ МАЖБУРИЙ ТИББИЙ КЎРИҚДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ЎРНАТИЛДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар ва-

зирлигининг қарори (АВ томонидан 27.06.2013 йилда 2472-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ҳужжат билан белгиланишича, «А», «В», «С», «D» ва «Е» тоифаларидаги автотототранспорт воситалари ҳамда трамвай ва троллейбус ҳайдовчилари ва ҳайдовчиликка номзодлар мажбурий равишда тиббий кўриқдан ўтадилар. Ҳайдовчилар ҳар 2 йилда бир маротаба, тижорат асосида йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар ҳар йили тиббий кўриқдан ўтишлари шарт.

Транспорт воситаларининг бирон бир тоифасини бошқариш ҳуқуқига ҳамда ушбу тоифа бўйича тиббий кўриқдан ўтиш муддати тугамаган тиббий хулосага эга ва қуйи тоифадаги (мисол учун «А» тоифа «В» тоифага нисбатан қуйи ҳисобланади) транспорт воситаларини бошқаришга номзодлар қўшимча кўриқдан ўтишлари шарт эмас.

Тиббий кўриқдан ўтказиш Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат даволаш-профилактика муассасалари томонидан пуллик асосда амалга оширилади.

Ҳайдовчиликка номзодлар ва ҳайдовчилар транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларига ўқишга киришидан бир ой олдин тиббий кўриқдан ўтишлари лозим.

Тиббий кўриқдан ўтказиш муддати 3 календарь кундан ошмаслиги керак. Мураккаб, қўшимча тиббий текширув талаб этиладиган ҳолатларда ушбу муддат 10 календарь кунгача узайтирилиши мумкин.

Низомда ҳайдовчилар ва ҳайдовчиликка номзодларни тиббий кўриқдан ўтказишда транспорт воситасини бошқаришга умумий тиббий ва қўшимча тиббий монеликлар рўйхатлари келтирилган.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристларимиз Елена ЕРМОХИНА ва Сардор ЖУМАШОВ тайёрладилар.

РЕКЛАМА

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
УЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99899) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*

Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

ХИЗМАТЛАР

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.

Лазерли принтерларни тўлдириш. Мақбул нархлар. Жойига чиқиш билан. Тел. 127-15-28.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.

Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

МДҲ ВА БОЛТИКБУИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	8.07.2013	1	0,7844	1	1,0054	1	0,0235
Арманистон	4.07.2013	1	411,76	1	535,37	1	12,41
Беларусь	9.07.2013	1	8840,00	1	11350,00	1	265,50
Грузия	8.07.2013	1	1,6549	1	2,1323	100	4,9809
Қозғистон	2.07.2013	1	151,65	1	197,90	1	4,63
Қирғизистон	8.07.2013	1	48,8379	1	62,9081	1	1,4699
Латвия	9.07.2013	1	0,548000	1	0,702804	1	0,016500
Литва	9.07.2013	1	2,6916	1	3,4528	1	0,080756
Молдова	8.07.2013	1	12,5913	1	16,2207	1	0,3794
Россия	9.07.2013	1	33,3210	1	42,7342	-	-
Тожикистон	8.07.2013	1	4,7679	1	6,1314	1	0,1480
Украина	8.07.2013	100	799,3000	100	1029,7382	10	2,4057
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 9 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1898,36	1 Польша злотийси	624,39
1 Англия фунт стерлинги	3121,82	1 СДР	3145,49
1 Дания кронаси	360,58	1 Туркия лираси	1066,94
1 БАА дирҳами	571,35	1 Швейцария франки	2173,32
1 АҚШ доллари	2098,56	1 ЕВРО	2724,93
1 Миср фунти	298,59	10 Жанубий Корея вони	18,21
1 Исландия кронаси	16,62	10 Япония иенаси	207,55
1 Канада доллари	1983,52	1 Россия рубли	63,16
1 Хитой юани	341,89	1 Украина гривнаси	262,55
1 Малайзия ринггити	653,45		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ СОНДА:

• ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

– Депутатлар долзарб қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар **1-бет**

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-2-бетлар**

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– ХУМШ ва солиқлар
– Воситачиларсиз олганга нима етсин
– E-komunal.uz – ягона коммунал портал
– Асосиз талаблар ўрганилди, чоралар кўрилди
– Квартирани қандай қилиб танлаш керак? **3-6-бетлар**

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ёш келса – ишга марҳамат!
– Керакли ходимлар қисқартирилган
– Иш ҳақи вақтида тўланмаса... **7-бет**

• СУД АМАЛИЁТИ

– Жавобгар тугатилиш учун ёпилган. Кредиторлар безовта қилмасинлар **8-бет**



МУНДАРИЖА:

- ХУМШ ва солиқлар
- Воситачиларсиз олганга нима етсин
- E-kommunal.uz - ягона коммунал портал
- Асоссиз талаблар ўрганилди, чоралар кўрилди
- Квартирани қандай қилиб танлаш керак?



Молия вазирлиги мутахассиси жавоб беради

ХУМШ ВА СОЛИҚЛАР

? Ширкатимиз ихтиёрида 7 та тўрт қаватли уй-жойлар бор. Биринчи қаватларнинг хусусийлаштирилган квартиралари нотурар жойларга ўтказилган бўлиб, уларни юридик шахслар банд этган.

Мазкур уйларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек уларга хизмат кўрсатиш бўйича мажбурий бадалларни ушбу уйларда яшовчи фуқаролар ҳам, нотурар жойларнинг мулкдорлари ҳам тўлайдилар.

Тушунтириб берсангиз, биз томонимиздан уйларимизда жойлашган юридик шахслар - хусусийлаштирилган нотурар жойларнинг эгаларига кўрсатилган фойдаланиш хизматлари учун тўловларнинг суммаларига солиқ солинадими?

ХУМШ бошқаруви раиси.

- «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунга (12.04.2006 йилдаги ЎРҚ-32-сон, бундан кейин - ХУМШ тўғрисидаги Қонун) мувофиқ ширкат хусусий турар жойлар мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этилади, у **нотижорат ташкилоти бўлиб**, ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади.

Солиқ кодекси (СК)нинг 17-моддасига мувофиқ **нотижорат ташкилотлари деганда фойда олишни фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган** ва олинган даромадларни ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган юридик шахслар тушунилади.

СКнинг 197-моддасига кўра нотижорат ташкилотлари қўшилган қиймат солиғи тўловчилари деб ҳисобланмайдилар, бундан тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари мустасно.

Бундан ташқари, СКнинг 312, 316-моддаларига кўра, нотижорат ташкилотлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муас-


сасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчилари ҳисобланмайдилар, бундан улар тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадлар ва тушумлар мустасно.

ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ кўп квартиралари уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори бўлиб унга мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади. **У умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчиси бўлиб, уни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммасига олиши шарт. Унинг умумий харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли яшаш учун мўлжалланмаган жой майдонига мутаносиб равишда белгиланади.**

Умумий харажатлар бўлиб ширкат аъзоларининг умумий мол-мулки, унинг уйга туташ ҳудуди (ер участкаси) ва ХУМШнинг ўз мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳисобланади.

Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкни сақлаш

*Тахририят ихтилофли вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.





бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомда (МВ, ИВ ва «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг АВ томонидан 10.04.2007 йилда 1672-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) назарда тутилишича, **ХУМШ томонидан ишларнинг (хизматларнинг) тўлиқ рўйхати ва ҳажмлари асосида ишлаб чиқилган даромад ҳамда харажатлар сметаси** турар жойнинг 1 кв.м майдонини сақлаш ва таъмирлашга мажбурий бадалларни аниқлаш учун асос ҳисобланади.

Даромад қисми ХУМШ аъзоларининг мажбурий бадаллари (доимий, ойлик бадаллар), нотурар жой мулкдорларининг бадаллари ҳамда қонунларга мувофиқ олинган бошқа даромадлар ва тушумлардан шаклланади.

Даромадлар сметаси ХУМШнинг умумий мол-мулкни, ер майдонини ва мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ барча режалаштирилган харажатлар ва мавжуд молиявий мажбуриятларни қоплашни назарда тутиши лозим. Бунда сметанинг харажатлар қисми унинг даромадлар қисмидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Умумий майдоннинг 1 кв.м майдони учун мажбурий бадал ҳисоб-китоби чоғида ХУМШнинг умумий мол-мулк, уйга туташган ҳудуд (ер участкаси) ва ХУМШнинг ўз мол-мулкни сақлаш билан боғлиқ барча харажатлари суммаси **ХУМШ бошқаришида бўлган уй-жой фондининг умумий майдонига бўлинади.**

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, **турар жойлар ва нотурар жойлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари асосий фаолият мақсадларига, яъни – умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлашга йўналтирилади.**

Солиқ кодексига мувофиқ ХУМШ нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, **у уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатётганда асосий фаолиятни амалга ошириш доирасида барча турдаги солиқлар, йиғимлар ҳамда бюджет, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалардан озод қилинган**, бундан ягона ижтимоий тўлов мустасно. ☉

Дилфуза ШУКУРОВА,
Молия вазирлигининг Солиқ ва
божхона тарифи сиёсати бошқармаси бўлим
бошлигининг ўринбосари.



Коммунал соҳадагиларга кўмак

ВОСИТАЧИЛАРСИЗ ОЛГАНГА НИМА ЕТСИН

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг ўзидагина 3 мингдан ортиқ ХУМШ ва уларга хизмат кўрсатиб келаётган 150 та бошқарувчи компания фаолият юритмоқда. Ҳозир улар учун ниҳоятда қизгин давр. Негаки, ҳаво очиқ кунларда катта ҳажмдаги ишларни, бинобарин йўлакларни, томларни таъмирдан чиқариш, қувурларни алмаштириш, кўп қаватли уйга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва бошқа ишларни амалга ошириш режалаштирилади.

Ҳар бир ширкат қурилиш материалларини сотиб олишда битта муаммога, яъни кичик туркумларда ўз эҳтиёжларига яраша ҳажмли товарларни қандай қилиб арзонроққа олиш, ҳақини пул ўтказиш орқали ҳисоб-китоб қилиш мумкинлиги муаммосига дуч келади. Ана шу масалани ҳал этиш учун пойтахтимизда шаҳар ҳокимлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари ҳамда профессионал бошқарувчи компаниялар ҳамкорлигида, «Dimax» доимий ишловчи халқаро қурилиш ярмаркаси базасида «Коммунал таъмир-2013» кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Ярмарка Учтепа туманидаги саноат зонасида 2,2 гектарлик майдонни эгаллаган бўлиб, 6 ой мобайнида, яъни июнь-ноябрь мобайнида ишлайди.

– Экспозицияга ажратилган 178 та хона ва биноларда ҳар хил маҳсулотлар намойишга қўйилган. Айниқса қувурлар ва томни ёпишга ишлатиладиган материаллар, сантехника буюмларига қизиқиш катта, – дейишди кўргазма-ярмарка ташкилотчилари. – Бундан ташқари, кичик техникалар ҳам бошқарувчи компаниялар ва ХУМШлар вакилларида алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

Айтиш жоизки, ярмаркада намойиш қилинаётган техника кре-

дитга ёки лизингга берилиши мумкин. Ишлаб чиқарувчилар ҳам кўргазмада ҳозир бўлганликлари сабабли намойишга қўйилган товарларни бевосита уларнинг ўзидан савдолашиб олиш мумкин. Сотиб олинган товарларни эгасига шаҳар доирасида ишлаб чиқарувчиларнинг ўзи ҳам, кўргазма ташкилотчилари ҳам етказиб бериши ёхуд товарни заводдан ёки кўргазмадан у ўз кучи билан олиб кетиши мумкинлиги назарда тутилган.

Кўргазма-ярмарка доирасида 10 кун мобайнида ХУМШ ва бошқарувчи компаниялар ходимлари учун семинарлар бўлиб ўтди. Уларда ширкатлар ишининг муҳим масалалари, бошқарувчи компаниялар фаолиятидаги муаммолар ва мураккабликлар, шу жумладан уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш масалалари муҳокама этилди, мазкур соҳадаги норматив ҳужжатлар кўриб чиқилди.

– Кўргазма-ярмарка доирасида ташкил этилган семинарлар кўп

– Кўргазмага қўйилган барча материалларнинг сифати яхши, – деб қайд этди бошқарувчи компания директори Абдулхамид АБДУМАВЛОНОВ. – Бу ерда турли ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган хилма-хил маҳсулот: қувурлар, эҳтиёт қисмлар ва шу сингарилар қўйилган. Мухими товар учун ҳақни пул ўтказиш йўли билан тўлаш мумкин, баҳолари ҳам бизга мақбул. Илгарилари маҳсулотларни дўконлардан сотиб олардик, ишимизга керакли нарсаларни ҳажм кўп бўлмагани учун ишлаб чиқарувчилардан тўғридан-тўғри ололмасдик. Уч-тўрт кундан кейин кўргазма-ярмаркага яна келиб, керакли барча материалларни олиш учун шартномалар имзолашни мўлжаллаб турибман.

қаватли уйларни кузги-қишки даврга тайёрлаш борасида бошқарувчи компания билан ХУМШ ўртасида, шунингдек қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилари билан яқин мулоқотни йўлга қўйиш имконини берди, – дейди **Професионал бошқарувчи ва уй-жой фондига хизматлар кўрсатувчи ташкилотлари уюшмасининг ижрочи директори Раҳима ОРТИҚОВА.** – Бундай мулоқот, умуман олганда, уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасидаги фаолиятни яхшилашга ҳамда ушбу соҳа сифатли бошқарув билан таъминланишига ёрдам беради. Кўргазма-ярмарка таъмирлаш ва қурилиш ишлари учун сифатли материалларни нисбатан арзонроқ нархда харид қилиш имконини беради. Уюшманинг асосий вазифалари-

дан бири шундай тадбирларда иштирок этиш ва бунақа тадбирларни ташкил этишдан иборатдир.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги мутахассиси Ўзкоммунқувташкелотчи» норматив-инжиниринг маркази ҳақида, хусусан коммунал хизматлар соҳаси мутахассисларини ўқитиш тўғрисида, бундай таълимнинг афзалликлари ҳақида гапириб берди. Семинарларда «ХУМШда ҳисоб» деган дастурий маҳсулот

ҳам тақдим этилди. Унда ширкатларнинг барча молиявий маблағлари ҳаракати акс эттирилган. Бундай дастурнинг бўлиши, шак-шубҳасиз, ХУМШ фаолиятининг очиқ-ошкоралигини оширади, ширкат раиси алмашганда ҳам ахборотлар сақланиб тураверади.

Кўргазма-ярмарка ташкилотчилари маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ХУМШ ва бошқарувчи компаниялар тимсолида ўзларига мижоз топадилар, ширкатлар ва бошқарувчи компаниялар эса текширилиб, сертификатланган маҳсулотни ўзларига ёққан нархда олиш имкониятига эга бўладилар деб мўлжаллашмоқда. Бундан ташқари, мазкур кўргазма-ярмарка доимий асосда ишловчи ярмарка савдоларини ўтказиш учун асос бўлиб қолиши мумкин. **О**

Ольга КИРЬЯКОВА,
мухбиримиз.

– Кўргазма кунлари дўконимизга бир неча мижоз ташриф буюрди, – деди тўлқинланиб «Elite Polimer» МЧЖ ҚК дилери Шукрулло РЎЗИЕВ. – Хоҳловчилар пештахталарга қўйилган товарларнинг сифатига шахсан ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Бизда сифат менежменти тизими мавжуд, дўконимизда сифат сертификати ҳам тақдим этилади. Биздаги қувурлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётганлиги боис нархлар жўяли, ҳисоб-китобни пул ўтказиш йўли билан ҳам бемалол амалга ошириш мумкин.



АКТни ўзлаштирамиз

Е-KOMMUNAL.UZ – ЯГОНА КОММУНАЛ ПОРТАЛ

Кўп ўзбекистонликлар Интернетнинг бошқа ахборот манбаларидан афзаллигини муносиб равишда баҳолашга улгурдилар. Яқин орада Узнет уй-жой-коммунал масалалар бўйича ҳам асосий хабарчига айланадиган кўринади. Узнетнинг ҳамма фойдаланадиган майдончасига айланган, уй-жой-коммунал соҳасига тааллуқли кўплаб ахборотлар йиғилган коммунал хўжалиги ва уй-жой фонди портали E-kommuнал.uz шундай тахмин қилишга асос бўлади.

Ихтисослашган портал маълумот беришдан бошлаб фойдаланувчилар билан мулоқот қилишга асосланган мураккаб интерфарл хизматларга қадар бир талай сервисларни тақдим этади. Мухбиримиз уларнинг қанчалик қулай ва фойдали эканлигини ўз тажрибасидан келиб чиқиб ўрганди. Ишонамизки, у сизга ҳам фойдали бўлади.


Ҳозирги вақтда портал фақат рус тилида ишляпти, лекин унинг ўзбекча ва инглизча версиялари

режалаштирилган. Юқори ўнг бурчакдаги ўтишга ҳаволалар ана шундан гувоҳлик беради. Ҳозирда ҳаволалар бўйича ўтиш чоғида фойдаланувчилар ушбу версиялар ишлаб чиқилаётганлиги тўғрисида хабардор қилинадилар. Фикримизча, бу сайт нисбатан яқинда ишлай бошлаганлиги билан боғлиқдир.

АХБОРОТ ЖУДА КЎП...

Авалло порталда тақдим этил-

ган маълумот берувчи ахборотнинг ҳажми ва ундан фойдаланишнинг қулайлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Зарур маълумотларнинг кўпчилиги бош саҳифада жойлаштирилган. Масалан, сиз дарҳол коммунал хизматларга асосий тарифларнинг информериға эътибор қаратасиз. Унга кириб, бугунги кунда жисмоний ҳамда юридик шахслар учун амал қилаётган барча тарифлар кўрсатилган саҳифага ўтиш мумкин. 



Информер остида шо-шилинч ва маълумот берувчи хизматларнинг телефон рақамлари жойлаштирилган. 01, 02 сингари икки белги рақамдан фойдаланишда давом этаётганлар учун ҳозир янги уч белги рақамлар: 101, 102 ва ҳ.к. амал қилаётганлиги алоҳида ажратиб кўрсатилган.

«Бош саҳифа»га фуқароларнинг мурожаатлари статистикаси киритилган. У қанча мурожаат келиб тушганлиги ва уларнинг мақомини кўрсатади.

Саҳифанинг чап томонида «Сайт менюси» жойлашган. У билан танишиб чиқамиз.

● **Янгиликлар.**

Портал уй-жой-коммунал мавзусини батафсил ёритиб бераётганлиги қувонарлидир. Одатда эълон қилинаётган янгиликлар ҳар бир фуқарога тааллуқли бўлади: «Газчиларга қарзни асосиз равишда ҳисоблаб ёзаётганликлари ноқонунийлиги кўрсатилди», «Тошкентдаги гаражлар нима бўлади?» ва ҳоказо.

● **Меъёрий ҳужжатлар.**

Бу ерда маълумотлар базаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар изланади. Ячейкаларга ҳужжатнинг бизга маълум реквизитларини киритиб, «Топиш» тугмасини босамиз.

● **Уй-жой-коммунал хўжалиги.**

Ушбу бўлимда профессионал бошқарувчи компаниялар, ХУМШ, КТТАХ, коммунал хизматлар билан таъминловчилар, иссиқлик централлари тўғрисидаги маълумотлар (манзиллари, телефонлари, банк реквизитлари) тақдим этилган. Бу ердан ҳам «Тарифлар»га кириш мумкин. Яна икки кичик бўлим эса 055 Марказий шаҳар диспетчерлик хизмати ва УКХ соҳасидаги ташкилотларга (яъни Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси ва Профессинал бошқарувчи компаниялар уюшмасига) бағишланган.

Табиийки, мен ўзимнинг ХУМШни излашга киришдим, бунинг учун унинг номини излаш сатрига ёзиш керак. Тошкентдаги ХУМШларнинг ҳаммаси базада мавжуд деб аниқ айтолмайман, бироқ ўз ширкатимни топдим. Ўзимнинг ХУМШ рақамига қизиқиб телефон қилиб кўрдим ва телефон рақамлари тўғри берилганлигига ишонч ҳосил қилдим.

● **Худудий бўлиниш.**

Агар Ўзбекистоннинг у ёки бу



тумани тўғрисида ахборот керак бўлса, дадиллик билан тугмани босаверинг. Сиз туман ҳокимининг исми, ҳокимлик телефони, қабул қилиш соатлари ва кунлари, манзили, туман майдони ва аҳолиси сонини билиб оласиз. Шунингдек Тошкент туманларининг харитаси берилган (тегишли функциялари амал қилувчи Google map). Ўз маҳаллангиз, кўчангиз тўғрисидаги ахборотни ҳам ўқишингиз мумкин.

● **Маълумотнома.**

Ушбу бўлимда кабелли телевидение студиялари, милиция таянч пунктлари, стандартлаштириш ва метрология бошқармалари, тиббиёт муассасалари, почта бўлимлари, жамоат транспорти (йўналиш ва нозимхоналар), банклар, новвойхоналар, бозорлар тўғрисидаги ахборот йиғилган. Шунингдек штрихли кодлар, ўлчов тизимлари, автомобиль рақамлари тўғрисидаги маълумотлар берилган. Бу ердан бошқа фойдали ҳаволалар орқали ҳам УКХ мавзуси бўйича форумга ўтиш мумкин.

Порталдан фойдаланиш тажрибасини ҳосил қила бориб, «Милиция таянч пунктлари»га, кейин «Тошкент», сўнгра «Юнусобод тумани»га кирдим, бироқ рақамини билмаганим боис туманимиздаги милиция пунктини биринчи киришда топа олмадим. Уни топиш учун тақдим этилган барча ҳаволаларни очишга, йўл-йўлакай манзилни солиштиришга мажбур бўлдим. Милиция пунктлари шаҳар туманлари бўйича бўлингани ишимни осонлаштирди. Албатта, оддий фойдаланувчи бундай тарзда ахтариб ўтирмайди. Кейинчалик кўча ёки маҳалла номи бўйича излаш устида иш олиб борилаётганлигидан хабар топдим.

Асосан порталда Тошкент бўйича маълумот берувчи ахборот тақдим этилган, бироқ ишлаб чиқувчиларнинг маълум қилишларича, республиканинг бошқа минтақаларини улаш ишлари ҳам бошлаб юборилган.

● **Истеъмомчига ёрдам.**

Тез-тез бериладиган саволларни шу ердан топасиз. Ушбу бўлимга мурожаат қилинг, эҳтимол, саволингиз аллақачон бир неча мартаба берилган бўлиши мумкин, шунда жавобни кутишингизга тўғри келмайди.

Фойдаланувчиларга қулай бўлиши учун бу ерда фақат саволлар кўрсатилган, уларнинг ҳар бирига кирилганда жавоби чиқади. Жавобларда асосан муайян таомилларнинг мақсади ва ҳужжатлар очиб берилади.

Бундан ташқари, ушбу бўлимда ўзининг истеъмомчи сифатидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишни хоҳловчилар учун фойдали ахборот берилган.

● **Медиатека.**

Эсингизда бўлса, ўтган йил охири – жорий йил бошида «Очиқ мулоқот» телекўрсатувлар туркуми ўтказилиб, уларда туманларнинг ҳокимлари фуқароларнинг саволларига жавоб беришган эди. Уларнинг видеотасмаларини бу ерда кўриш мумкин.

● **Интерфаол хизматлар.**

Менимча, бу бўлим сайтдаги энг қизиқарли бўлим, чунки маълумот берувчи ахборотларни ҳамма ерда топиш мумкин, амалда ишлайдиган интерфаол хизматлар эса – жуда оз.

**E-KOMMUNALGA
МУРОЖААТЛАР
БАЖАРИЛСИН!**

Интерфаол хизматлар E-kommunal

порталига жалб этувчи хизматдир. Маълумот берувчи ахборот, албатта, керак, бироқ шундай бўлса-да, порталнинг қиммати – аҳолининг ҳоқимият органлари ва коммуналчилар билан мулоқотидадир, бу «Савол беринг» ва «Мурожаатлар» бўлимлари орқали, «Коммунал хизматлар калькулятори», «Рўйхатдан ўтказиладиган почта жўнатмаларини излаш», «Бланкалар» сингари махсус ишлаб чиқилган сервислар билан таъминланади.

Порталнинг мақоми Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг 9.04.2013 йилдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувчи органлари фаолиятининг самардорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори билан мустаҳкамланган, унда пойтахт ҳоқимининг биринчи ўринбосари ва туман ҳоқимликларига муаммоли масалаларни ва шаҳар ҳоқимлигида барпо этилган **e-kommunal.uz** интернет-порталига келиб тушган аҳоли мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш чораларини кўришни жадаллаштириш топширилган. Келиб тушадиган саволлар, улар ижросининг назорати таҳлил этилиши, қилинган иш тўғрисидаги ахборот Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига тақдим қилиниши керак.

Портал орқали савол бериш ёки муаммо билан мурожаат қилиш учун рўйхатдан ўтиш лозим. Рўйхатдан ўтиш ID.UZ сервис билан боғланган.

ID.UZ – ягона идентификация тизими бўлиб, унга Uzinfocom маркази томонидан ишлаб чиқилган барча сервислар уланган. Рўйхатдан ўтган тизим фойдаланувчиси ўз мақомига боғлиқ ҳолда турли хизматлар ва сервисларга кира олади. Улар иккита:

аноним фойдаланувчи – ушбу мақом рўйхатдан ўтказилгандан кейин дарҳол тақдим этилади;

PassportID-фойдаланувчи – паспорт маълумотлари Uzinfocom маркази офисига тақдим этилгандан кейин паспортнинг амал қилиш муддатига берилади. Ушбу мақомни Интернет тармоғида идентификацияловчи ҳужжат сифатида баҳолаш мумкин.

Рўйхатдан ўтказилгандан кейин фойдаланувчи хизматлар етказиб берувчиларининг реквизитларини билиб олиши, портал маъмуриятига савол билан мурожаат қилиши мумкин. Шунингдек қилинган

изки, фақат ўз профилида маълумотларни, мисол учун, ўз манзилни кўрсатгандагина бошқарувчи компанияларнинг реквизитларини билиб олиш учун «Хизматлар етказиб берувчиларим» хизматидан фойдаланиш имконияти берилади. Профилдаги барча маълумотлар таҳрир қилинади, шу сабабли янги яшаш жойига кўчиб ўтганда сиз ахборотни янгилай оласиз.

Рўйхатдан ўтказилгандан кейин юқори ўнг бурчакда исм ва фамилиянгиз билан бир қаторда тишли гилдирак рамзи пайдо бўлади. Унга курсор қаратилганда «Мурожаатларим», «Хизматлар етказувчиларим», «Профилим» ва «Вижетларим» сервисларига тез кириш менюси пайдо бўлади. «Вижетларим»да ресурсдан фойдаланувчи он-лайн режимда шахсий ҳисобрақамига электр энергияси бўйича жорий ҳисобланмани кўриши мумкин. Хизмат 10 июнда «Ўзбекэнерго» ДАК билан ҳамкорликда

майди. Шунда сиз вақтни тежашга ва унга портал маъмурлари ишлов беришга улгуришларидан аввал жавобни тезроқ билишга муваффақ бўласиз.

Мурожаатлар учун махсус шакл назарда тутилган. Унинг ёрдамида мурожаатлар мавзулар бўйича сараланади: УКХ; ободонлаштириш; таълим; транспорт; жамоат жойлари; ушбу портал муаммолари; ижтимоий хизматлар; коммунал хизматлар. Нима учун коммунал хизматлар тўғрисидаги сайтнинг «Таълим» бўлимида мурожаат қилиш мумкинлиги сабабини айтиш мушкул, бироқ у назарда тутилган. Ўз навбатида, ҳар бир мавзу тоифаларга бўлинган, мисол учун, УКХ мавзусида ертўла, том, йўлак, лифт, чордоқ ва бошқа кичик мавзулар мавжуд.

Мурожаатда фойдаланувчига ўз маҳалласи, кўчаси, уйи ва мўлжални кўрсатиш таклиф қилинади. Шунингдек, мисол учун, олиб чиқиб кетилмаётган ахлат уюми ёки



ишга туширилган. Бошқа коммунал хизматларнинг ҳам вижетлари ишлаб чиқиш жараёнида.

Шуни таъкидлаш жоизки, порталда ҳақиқатан ҳам саволларга жавоблар берилади. Дарҳол эмас, чунки ишлов бериш ва жавобни излашга вақт талаб қилинади, бироқ жавоб берилади. Эслатиб ўтаман, савол беришдан олдин «Истеъмолчига ёрдам» бўлимининг «Кўп бериладиган саволлар» кичик бўлимига кўз ташлаш жоиз. Эҳтимол, кимдир сизни қизиқтираётган нарса тўғрисида сўраб бўлгандир. Шунингдек қилинган мурожаатларга жавобларни кўздан кечириш ортиқчалик қил-

анчадан буён таъмирланмаган том, сув тиззагача чиқадиган ертўла кабиларнинг фотосуратини илова қилиш имконияти мавжуд. Сўнгра фойдаланувчи ўз мурожаати матнини тузиб, муаммони батафсил баён этади.

Мурожаатни кўриб чиқишга жўнатиш учун фойдаланувчи битими шартлари билан танишиш ва тегишли дарчага белги қўйган ҳолда уларни қабул қилиш лозим. Битимда қандай шартларга риоя этилганда мурожаатлар қабул қилиниши, қай бирига риоя этилмаганда порталга қабул қилинмаслиги кўрсатилган.





Мурожаат рад этилмаслиги учун унда жўнатувчининг фамилияси, исми-шарифи, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак. Хабар матнининг ўзида аризанинг моҳияти, таклифлар ёки шикоятлар баён этилиши керак.

Агар мурожаатда:

жўнатувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва электрон почта манзили кўрсатилмаган;

ҳақиқий бўлмаган маълумотлар кўрсатилган, шу жумладан фуқаро ўзи тўғрисида нотўғри маълумотлар ва (ёки) жавоб учун нотўғри манзилни кўрсатган;

мурожаатда беадаб ёки ҳақоратли иборалар мавжуд бўлган;

мурожаатда тушунарсиз қисқартиришлар ёки реклама материаллари мавжуд бўлган;

ушбу мурожаат такроран келиб тушган бўлса;

мурожаатни зарур қўшимча ҳужжатларсиз кўриб чиқиш мумкин бўлмаса, маъмурият мурожаатни кўриб чиқишни рад этиш ҳуқуқини ўз зиммасида қолдиради.

Шунингдек фуқаро тухмат ва ҳақоратлар учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши таъкидлаб ўтилган (6.05.1994 йилдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» 1064-ХII-сон Қонуннинг 26-моддасига қаранг, 13.12.2002 йилдаги 446-И-сон Қонун таҳририда).

Агар мурожаат барча талабларга мувофиқ бўлса, уни портал қабул қилади ва унга идентификация рақами (ID) берилади. Кейинчалик «Мурожаатни излаш» функциясидан фойдаланиб, ID бўйича уни топиш мумкин. Шунингдек «Мурожаатларим» кичик бўлимида мурожаат мақомини куйидагича кузатиш мумкин: «Ижрода», «Рад этилган», «Бажарилган», «Режалаштирилган», «Муддати узайтирилган», «Қониқтирилмаган», «Ёпилган», «Автоматик ёпилган».

«Барча мурожаатлар» бўлимида берилган барча мурожаатлар ва шикоятлар кўрсатилган. Агар филтрдан фойдаланилса (саҳифанинг юқорисида), мурожаатларнинг қанчаси бажарилганлиги, қанчаси бажариш жараёнида турганлигини кўриш мумкин. 19 июндаги ҳолатга кўра «Бажарилган» мақомида 121 мурожаат, «Ижрода» мақомида 60 мурожаат қайд этилган эди.

Яқинда портал ишлаб чиқувчилари янги функционал: мурожаатлар статистикасини ва шикоят ёки мурожаат қилганларнинг фикрларини жорий этдилар. Агар коммуналчилардан расмият учун жавоб олинган ёки иш сифатсиз бажарилган бўлса, ижродан норозилигини кўрсатишингиз ва сабабини баён этишингиз мумкин. Шунингдек мурожаатни кўриш муддати ўтган, уни юборган шахс эса буни унутган ҳоллар учун рўйхатдан ўтказиш чоғида кўрсатилган почтага мурожаатнинг муддати ўтганлиги тўғрисида хабарнома жўнатиш назарда тутилган. Уни олган фуқаро барча ишлар қилинганлиги ёки, аксинча, бажарилмаганлиги ёки тўлиқ бажарилмаганлигини кўрсатиши керак. Агар мурожаат қилувчи эслатма ҳам муносабат билдирмаса, хабар автоматик равишда ёпилади ва бажарилган деб белгиланади.

КВИТАНЦИЯЛАР ТУГАДИМИ? — МАСАЛАНИНГ ЕЧИМИ БОР

E-communal порталида назарда тутилган яна бир интерфаол хизмат – «Коммунал хизматлар калькулятори». Бунда фойдаланувчи, ҳатто рўйхатдан ўтмасдан туриб, электр энергияси, табиий газ, иссиқ ва совуқ сув, иситиш, ахлат учун қанча тўлаши кераклигини ҳисоблаши мумкин. Дастурда ҳисоблагичнинг мавжудлигини ҳисобга олиб ёки усиз, квартирада яшовчи кишиларнинг сонидан келиб чиқиб турли тарифлар кўйилган. Бироқ у фақат жисмоний шахслар учун мўлжалланган. Юридик шахслар учун калькулятор энди ишлаб чиқияпти.

Шунингдек бу ерда калькулятордан, ҳисоблагич кўрсаткичла-

рининг тўғри ўқилиши акс эттирилган суратлардан фойдаланиш йўллари қадамма-қадам ёритилган йўриқнома берилади. Сиз фақат тарифни, ойлар сонини танлашингиз ва кўрсаткичлар билан ячейкани тўлдиришингиз керак, холос. Агар сиз коммунал хизмат тўловларини одатдаги усул билан кассага тўласангиз, олинган натижаларни қоғозга чиқаришингиз ва маълумотларни квитанцияга ёзишингиз мумкин.

Бироқ Интернетдан фаол фойдаланувчиларга «Бланкалар» хизмати маъқул келиши шубҳасиз. Ундан фойдаланамиз. «Бланкалар» сатрига босгандан кейин рўйхат очилади, унда электр энергияси, газ, ахлат, иситиш ва иссиқ сув учун тўлаш бланкалари тақдим этилган. Биринчисига босамиз. Квитанция шакли очилади. Юқоридаги ўнг бурчакка тарифни белгилаш лозим: «Оддий уйлар» ёки «Электр печли уйлар». Ҳаммасини оддий квитанциядагидек тўлдирамиз: шахсий маълумотлар (агар сиз ID.UZ тизими орқали авторлаштирилган бўлсангиз, маълумотлар автоматик равишда пайдо бўлади), тўлдириш куни ва кўрсаткичларнинг ўзи – фақат битта фарқ билан, дастур якуний суммаси ўзи автоматик равишда ҳисоблайди. Сўнгра бланкани квитанция остида ўнгда жойлашган «Қоғозга чиқарилсин» тугмасини босиб, принтерга жўнатиш мумкин. Хизматлар етказиб берувчиларига кўнғироқларим натижаларига кўра шундай хулоса чиқаришим мумкин: баъзи туманларда порталдан квитанцияларни ҳали олишмаган, баъзиларида кишилар хизматларга ҳақ тўлаб, улардан фаол тарзда фойдаланмоқдалар. ❶

Хулосада шуни айтишни хоҳлардимки, Портал нисбатан яқинда ишлай бошлаганлигини ҳисобга олганда, уни барпо этувчилар томонидан жуда катта иш қилинган, функционал мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда, у жуда қулай, ҳар қандай, унчалик билими кучли бўлмаган фойдаланувчига йўналтирилган. Албатта, ҳозир ҳам такомиллаштириладиган жиҳатлари мавжуд, бироқ, фикримча, мазкур босқичнинг ўзидаёқ E-communal портали ёрдам олиш мақсадида мурожаат қилувчилар учун қимматга эга.

**Сиз учун портал шарҳини муҳбиримиз
Ольга КИРЬЯКОВА
тайёрлади.**



АСОССИЗ ТАЛАБЛАР ЎРГАНИЛДИ, ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасига келиб тушган шикоят-аризалардан 2 таси савдо ва умумий овқатланиш, 16 таси коммунал хизмат, 3 таси электр энергия, 3 таси транспорт, 1 таси алоқа, 1 таси уй-жой масалалари ҳамда 1 таси молиявий соҳаларга оид бўлиб, мазкур муурожаатлар амалдаги қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилди.

● Термиз шаҳридаги «Учқун» маҳалласи, Чўлпон кўчаси, 14-уйда яшовчи фуқаро Ю.Турсуновнинг аризасида «Термизшаҳаргаз» филиали томонидан табиий газ учун 81,5 минг сўм қарздорлик ёзилгани, буни қайта ҳисоб-китоб қилишда амалий ёрдам бериш сўралган. Ушбу ҳолат ўрганилганда, Газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартираларда ва якка тартибдаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 28.03.2002 йилдаги қарори билан тасдиқланган) 37-банди бузилгани маълум бўлди. Бошқача айтганда, газ етказиб берувчи газни ҳисобга олиш приборининг нормал ишлашини, унинг фойдаланиш хавфсизлиги техник шартларига мувофиқлигини, истеъмолчига етказиб бериладиган газ ҳажмини ўлчашнинг аниқлигини таъминлаб, етказиб бериладиган газ сифати учун жавоб бериши ва газ етказиб берувчи газни ҳисобга олиш приборининг техник кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни, улардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ва шартларини, хизмат кўрсатиш (яроқлилиқ) муддатини, техник кўрик ва текшириш синовлари даври ва муддатлари тўғрисида тушунтириш ишлари

ёки огоҳлантиришлар бермасдан 81,5 минг сўм қарздорликни фуқаро Ю.Турсунов хонадонига асоссиз ҳисоблаган.

● Термиз шаҳар Отарбоева маҳалласи 26 ва 26-«а» уйларда яшовчи фуқаролар ва Ш.Саидованинг табиий газ, электр таъминоти ҳамда иссиқлик таъминотидан норози бўлиб ёзган шикояти юзасидан ўрганиш ўтказилди. Натижада мазкур уйларда яшовчи фуқароларнинг хонадонларида табиий газ босими пастлиги, электр таъминоти огоҳлантиришсиз узиб қўйилаётгани ҳамда иссиқлик таъминоти йўқлиги аниқланди. Бу билан «Термизшаҳаргаз» филиали, Термиз шаҳар электр таъминоти корхонаси ҳамда вилоят Иссиқлик таъминоти ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси бешинчи хатбошиси талаблари бузилган.

Ушбу қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан юқорида номи келтирилган ташкилотларга нисбатан белгиланган тартибда иш кўзғатилиб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатма берилди.

● Термиз шаҳар А. Жомий маҳалласида яшовчи фуқаро Т.Гайгамованинг Термиз шаҳар электр таъминоти корхонаси 52 600 сўм асоссиз қарздорлик ҳисоблаётганлиги ва электр ҳисоблагич асбоби ўрнатиб бермаётганлиги тўғрисидаги аризаси юзасидан ўрганиш ўтказилди. Ўрганиш давомида истеъмолчининг тўлов қитанциялари ҳисоб-китоб қилинганда электр таъминотидан қарздорлиги йўқлиги маълум бўлди ва фуқаро хонадонига янги пластик карточкали электр ҳисоблагич ўрнатиб берилди.

Чорак мобайнида олиб борилган назорат тадбирлари давомида аниқланган қонунбузилиш

ҳолатлари юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 12.10.2005 йилдаги 225-сон қарорига асосан 7 та иш кўзғатилган ва хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қарор қабул қилиниб, кўрсатмалар берилган. Шундан 4 та кўрсатма белгиланган муддатда бажарилган ва 3 тасининг ўз муддатида бажарилиши бўйича назорат олиб борилмоқда.

Марғилон шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ўтган йили фуқароларнинг 27 та ариза-шикоятини ўрганиб, тегишли ташкилотлар билан бамаслаҳат иш кўриш натижасида истеъмолчилар фойдасига 7 млн сўмдан ортиқ маблағлар қайта ҳисоб-китоб қилинишига эришган эди. Жорий йилнинг беш ойи мобайнида эса Жамиятга 17 та муурожаат тушди. Улар кўпроқ коммунал хўжалиги, савдо, алоқа ва транспорт хизмати, газ, сув, электр таъминотига оид бўлиб, барчаси ижобий ечим топди. Истеъмолчиларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига 6133 922 сўм қайта ҳисоб-китоб қилинди.

● «Ипак йўли» кўчасида яшовчи бир оила бошлиғи шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари унинг хонадони фойдаланилган сув ҳақидан 133 минг сўм қарздор эканлигини, қарздорлик тезда бартараф этилмаса, сув узатиш манбаидан узиб қўйилиши ҳақида асоссиз огоҳлантиришганини билдириб шикоят ёзган. Шунга кўра, Жамият ходимлари хонадон вакили ва «Сувоқава» корхонасининг мутахассислари иштирокида масалани атрофлича ўрганиб чиқишди. Пировардида хонадонга ўрнатилган сув ҳисоблагич ускунаси бинойидек ишлаётгани, оила соҳиблари тўловларни ўз вақтида амалга

❖ ошириб келишгани аниқланди. Тўлов қвитанциялари синчиклаб текширилганда хонадон эгасининг қарзи йўқлиги, аксинча, у олдиндан 140 минг сўм ортиқча пул тўлаб қўйгани ойдинлашди. Сўнгра шу хусусда маълумотнома олиниб, истеъмолчининг фойдасига 273 минг сўм (унинг 140 минг сўми истеъмолчи олдиндан

тўлаб қўйган пул, 133 минг сўми эса нореал қарздорлик) қайта ҳисоб-китоб қилинди.

● Шаҳарнинг Эшонгузар кўчасидаги 153-уйда яшовчи Б.Ҳайтовнинг аризасида «Водийгазтаъминот» унитар корхонасининг Марғилон филиали томонидан унга берилган 1 млн 750 минг сўмдан ортиқ қарздорлик ҳақидаги огоҳлантиришномаси ноўрин

эканлиги баён этилган. Текшириш жараёнида бу оиланинг табиий газдан қарздорлиги 2013 йилнинг 6 март ҳолатига 338 минг 521 сўм эканлиги маълум бўлди ва ортиқча ҳисобланган 1 млн 411 минг сўмдан ортиқ асоссиз қарздорлик чегириб ташланди. ○

istemolchi.uz сайти материаллари асосида тайёрланди.



Фойдали маслаҳатлар

КВАРТИРАНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТАНЛАШ КЕРАК?

Квартира сотиб олишга қарор қилганда сиз албатта танлаш муаммосига тўқнаш келасиз. Уй-жойни сотиш тўғрисида эълонлар реклама газеталарида чоп этилади, улар шаҳар бекатлари, уй йўлаклари ва фонарь устунларига ёпиштирилган. Бир олам эълонлардан қандай қилиб кераклигини танлаб олиш ва бунда хато қилмаслик мумкин?

АСОСИЙСИ – ТАФСИЛОТЛАР

Энг аввало қандай уйда яшаш ниятида эканлигини аниқлаб олишингиз керак. Шубҳасиз, Дархондаги квартира, мисол учун, Чилонзордагидан анча қimmat туради. Дастлаб қараганда ҳеч бўлмаса тумани бўйича сизни қониқтира оладиган бир неча таклифни танлаб олиб, кўздан кечирингиз тўғрисида келишиб олинг. Квартирани фақат кундузи кўрсатишларини илтимос қилинг, квартирага доир ҳужжатлар билан танишиб чиқингиз лозимлиги тўғрисида огоҳлантиринг – сотувчи уларни тайёрлаб қўйсин.

Уйга сиз кейинчалик мунтазам қатнайдингани йўналишдаги транспортда етиб олганингиз яхши. Автомашинида келгач, унга келиш қанчалик қулайлигини ва ҳовлида машинани қолдириш учун жой бор-йўқлигини чамалайсиз. Агар автобусда келсангиз, дарҳол жамоат транспортини қанчалик узоқ вақт кутишга тўғри келиши ва бекатдан у ерга пиёда кириш олис-яқинлигини баҳолай оласиз. Йўл-йўлакай сиз уйнинг ташқи кўришини баҳолашингиз, ҳовлида болалар майдончаси бор-йўқлигини, мактаб, боғча, поликлиника уйга қанчалик яқинлигини кўришингиз мумкин.

Йўлакнинг ҳолатига эътибор қаратинг. Деворлардаги ёзувлар шу уйда яшовчиларнинг ижтимоий мақомидан, сизникига қўшни квартираларнинг қийшайган ифлос эшиклари эса ноҳуш қўшничиликдан гувоҳлик беради.

ҲИССИЁТГА БЕРИЛМАНГ

Энди квартиранинг ўзига келсак. Ёдда тутинг: сиз «тўрт девор» сотиб оляпсиз, барибир уни таъмирлайсиз, шу боис янги гулқоғозлар сизни қизиқтирмасин: уларни харидорда ёқимли таассурот қолдириш учун ёпиштирилганлар, улар тез орада тушиб кетиши эҳтимолдан холи эмас, Ҳар томонлама текис, яхши паркет ётқизилган поллар ёки бетартиб ойналанган лоджиялар, дид билан танланган сантехника ва санузел ҳамда ошхонада деворларга ёпиштирилган керамик кошнлар бўлса, бу – бошқа масала. Буларнинг ҳаммаси сизни қониқтириши мумкин. Ҳамма ёқни эътибор билан кўздан кечиринг, бироқ майда нарсаларга кўп эътибор қаратманг. Агар уйнинг ҳолати сизга ёқса ҳам, хурсанд

бўлганлигингизни намойиш қилмасликка ҳаракат қилинг. Ҳеч қандай ҳиссиётларни намоеён этманг!

Худди шундай тарзда квартира ҳужжатлари билан танишиб чиқинг ва квартира тарихи билан боғлиқ барча саволларга жавоб олишга ҳаракат қилинг. Сиз битимни амалга оширишга тўсқинлик қилиши ёки келгусида муаммо туғдириши мумкин бўлган барча эҳтимолий мураккаблаштирувчи ҳолатларни дарҳол чамалаб кўришингиз лозим. Кўпинча квартира эгалари шубҳаларингизни дарҳол йўқотишга қодир бўлмасалар, кейинчалик юридик жиҳатдан қонунийликни текширишингиз ҳам бунга ёрдам бермайди. Бошқа тарафдан эса, уй эгаларининг ҳамма гапларини тўғри деб қабул қилиш ҳам керак эмас.

Уйни узоқ кўздан кечирманг. Бунга узоқ вақт сарфлашингизни сотувчилар квартирани сотиш шартларига розилигингиз сифатида қабул қиладилар. Яна бир марта савдолашиб кўринг. Жавобни эшитиб, таклифларини ўйлаб кўришни ваъда қилиб, хайрлашинг.

АГАР ЁҚСА – ОЛИНГ!

Сотувчилар билан учрашишдан олдин квартира учун қанча пул тўлашга тайёрлигингизни ҳал қилиб олинг. Сизга мақбул вариант учраса, гаров пул қолдиригиз. Табиийки, ҳар доим савдолашиш керак, одатда сотувчи 500 АҚШ долларидан 2 минг долларгача тушади. Бироқ агар савдо тугаган бўлса, дарҳол гаров пулини қолдириш керак. Бунда қатъиятсизлигингиз қimmatга тушиши мумкин. Бир-икки ҳафтадан кейин, агар квартира ҳали сотилмаган бўлса, у янада қimmatлашиши мумкин. Агар сотилиб кетган бўлса, ҳамма ишни янгидан бошлашга тўғри келади.

Яна бир фойдали маслаҳат бериш мумкин: агар квартира ёқса, нархи бозордаги ўртача нархдан юқорироқ бўлса ҳам, олинг. Энг кам нархли уйга доимо харидор топилади, харидор кўп бўлган жойда эса сотувчи нархни яна оширади. Ана шу бозордир. Энг кам нарх – хаёлингиз меваси бўлиши мумкин. Бир оз кўпроқ ҳақ тўлаб, рақобатчиларни орқада қолдиригиз, токи бир ойдан кейин нарх-наво яна кўтарилганда улар аттанг деб қолсинлар. ○

Интернет тармоғи материалларидан.

Менинг ўғлим яқинда 17 ёшга тўлади. У ишга киришни хоҳлаяпти, бироқ мен уни ишга жойлаштиришда қийналяпман. Ёшлар ишга кирганда қандайдир имтиёзлар борлигини биламан. Улар ҳозир ҳам амалдами?

С.Гусев.
Тошкент вилояти.

ЁШ КЕЛСА – ИШГА МАРҲАМАТ!

– Вояга етмаган шахсларни ишга қабул қилаётганда иш берувчи меҳнат қонунчилигида ижтимоий ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва кафолатлар тарзида уларнинг алоҳида меҳнат мақоми белгиланганлигини эътиборга олиши керак, бу билан у ноҳуш ҳолларга йўл қўймаслиқнинг олдини олган бўлади.

Умумий қоидага кўра меҳнат шартномасини ўсмир билан у 16 ёшга тўлганда тузиш мумкин. Бироқ қонунчиликда:

ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлирининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган энгил ишни ўқитишдан бўш вақтида бажариши учун – улар 15 ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга ҳам йўл қўйилади (Меҳнат кодексининг 77-моддаси, бундан кейин – МК).

Вояга етмаган шахсларнинг асосий ҳуқуқлари МК XIV бобининг (239-249-моддалар) «Ёшлар учун қўшимча кафолатлар» деб номланган 2-параграфда мустақамланган.

18 ёшга тўлмаган барча шахслар дастлабки тиббий кўриқдан ўтгандан кейингина ишга қабул қилинадилар ва кейинчалик улар вояга етгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўриқдан ўтказиб турилиши керак.

Вояга етмаган шахслар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллари ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланадилар.

Чунончи, мазкур шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва бошқа ишларда фойдаланиш тақиқланади.

Уларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, вояга етмаган шахсларни тунги, ишдан ташқари вақтдаги ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш мумкин эмас.

18 ёшга тўлмаган ходимлар учун меҳнат қонунчилигида кўп сонли имтиёзлар назарда тутилган, яъни ҳақ тўланадиган узайтирилган таътил, қисқартирилган иш вақти ва бошқалар.

Хусусан, уларга ёши ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олиб, 30 календарь кунга йиллик узайтирилган таътил берилади. Ундан ёзда ёки улар учун қулай бўлган йилнинг исталган вақтида фойдаланиш мумкин (МКнинг 135, 144-моддалари).

Иш вақтининг муддати 16 дан 18 ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига 36 соатдан, 15 дан 16 ёшгача бўлган шахслар учун эса



ҳафтасига 24 соатдан ошмаслиги керак. Бунда кундалик иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида вояга етмаган шахслар меҳнатига ҳар кунги тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда ҳақ тўланади.

18 ёшга тўлмаган шахслар билан меҳнат муносабатлари катта ёшдаги ходимлар билан бўлганидек асосларга кўра бекор қилинади. Бироқ бунда ўзига хос хусусиятлар ҳам бор.

МКнинг 246-моддасига мувофиқ бундай ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг розилиги билан йўл қўйилади.

Ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар 18 ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлиғига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар.

Ва, охиргиси, агар сизда ўғлингизни ишга жойлаштиришда қийинчиликлар юз бераётган бўлса, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига мурожаат қилишни тавсия этамиз. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида низомига¹ мувофиқ ўғлингиз ана шундай тоифага мансуб деб топилиши мумкин, зеро у таътил муассасасини битирган ва ишга киришни хоҳлаётган ёшлар сирасига киради.

Иш берувчи туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази ва бошқа органлар томонидан белгиланган иш жойларининг энг кам сони ҳисобига иш жойларига ишга жойлаштириш тартибидан юбориладиган 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишга мажбур.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаган ташкилотга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима солинади. Белгиланган иш жойларининг энг кам миқдори ҳисобига ишга қабул қилишдан бўйин товлашга нисбатан судга шикоят қилиниши мумкин.

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ ДЎКОНДАН СОТИБ ОЛИНМАЙДИ

Биринчи мартаба ишга қираётганлигим сабабли менда меҳнат дафтарчаси йўқ. Иш берувчим мен унинг бланкасини ўзим сотиб олишимни талаб қиляпти. Меҳнат дафтарчаларини ким ва кимнинг ҳисобига сотиб олиши керак?

– Иш берувчи ноҳақ.

Белгиланган намунадаги меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат фаолияти ва стажи тўғрисидаги асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади (ВМнинг 6.07.1995 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида янги меҳнат дафтарчаларини жорий қилиш тўғрисида» 258-сон қарори). Иш берувчи корхонада 5 кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно (Меҳнат кодексининг 81-моддаси).

Ҳар бир корхона ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб,

лекин штат жадвалида назарда тутилган ходимлар сонидан ошмаган ҳолда меҳнат дафтарчаларини маҳаллий меҳнат органларидан олди-сотди шартномаси асосида сотиб олиш ҳуқуқига эга. Меҳнат дафтарчаларини бошқача тартибда сотиш, шунингдек фуқаролар томонидан уларни сотиб олиш тақиқланади.

Меҳнат дафтарчаларини сотиб олиш шартномасини тузиш учун корхона маҳаллий меҳнат органларига ёзма ариза билан мурожаат қилиши лозим. Унда штат жадвали бўйича ходимлар сони, вакант лавозимлар (жойлар) сони, шунингдек меҳнат

дафтарчаси (унинг дубликати) берилиши лозим бўлган ходимлар тўғрисида маълумотлар кўрсатилади (Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқноманинг 1.3-банди, АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ходимга меҳнат дафтарчаси (дубликати)ни беришда иш берувчи ундан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ҳақ олиш ҳуқуқига эга (Йўриқноманинг 5.1-банди).

Шу тариқа, ходимларни меҳнат дафтарчалари билан таъминлаш иш берувчининг мажбуриятига киради.

КЕРАКЛИ ХОДИМЛАР ҚИСҚАРТИРИЛГАН

Корхонамизда бир нечта лавозим қисқартирилди. Кейинроқ раҳбарият ишдан бўшатишга қарор қилди. Шу сабабли иш берувчи ташкилот штатига ушбу лавозимларни киритиш ва ходимларни қайтадан ишга олишни хоҳлаяпти.

Қисқартириш амалга оширилгандан кейин қанча вақтдан кейин иш берувчи ушбу лавозимларни штат жадвалига яна киритиши мумкин?

Б.Валиев.
Тошкент шаҳри.

– Иш берувчи корхона фаолиятининг хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ходимлар таркиби ва сонини мустақил равишда белгилашга ҳамда зарурат туғилганда исталган вақтда штат жадвалига штат ёки ходимлар сонини қисқартириш ва уларни кўпайтиришга (корхонанинг мулк шаклига боғлиқ ҳолда) олиб келадиган ўзгартиришлар киритишга ҳақлидир.

Меҳнат қонунчилиги иш берувчи яна штат жадвалига илгари қисқартирилган бирликни (лавозимни) киритиши мумкин бўлган муддатни белгиламайди. Бироқ ушбу ҳолатдан, масалан, иш берувчи ўзига маъқул бўлмаган ходимларни

ишдан бўшатиш учун фойдаланишига йўл қўйиб бўлмайди.

Шу тариқа, агар бирор-бир сабабга кўра иш берувчи штатни қисқартириш тўғрисида қарор қабул қилса, бироқ кейинчалик ушбу лавозимларга эҳтиёж юзага келса, у штат жадвалига илгари чиқариб юборилган бирликни киритиши ва ходимларни қайтадан ишга олиши мумкин. Ушбу ҳаракатлар, агар уларни ишдан озод қилиш (штатни қисқартириш) меҳнат қонунчилиги меъёрларига аниқ мувофиқликда юз берган бўлса, ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг тўғрилигига ҳеч қандай таъсир қилмайди.

ИШ ҲАҚИ ВАҚТИДА ТЎЛАНМАСА...

Мен ўтган ёзда қурилиш соҳасида ишладим. 2012 йил ноябрида ишдан бўшадим, бироқ ҳозиргача яқини ҳисоб-китоб пулини олганим йўқ. Мунтазам равишда фирма раҳбарига қўнғироқ қиламан, у эса фақат ваъда беради. Маслаҳат берсангиз, ишлаб топган пуларимни қандай қилиб олай?

Ш.Сатторов.
Тошкент шаҳри.

– Сизга нисбатан Меҳнат кодексининг 110-моддаси талаблари бузилган, унда меҳнат шартномаси бекор қилингандан иш берувчи томонидан ходимга тегишли иш ҳақини тўлаш муддатлари белгиланган – у меҳнат шартномаси бекор қилинган кун тўланиши керак.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори (19.03.2002 йилдаги 88-сон) қабул қилинган эди. Унинг 3-бандида белгиланишича, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз

вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг иш ҳақини ўз вақтида тўлашнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибига риоя қилиши устидан назоратни кучайтириш ҳамда иш ҳақи бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ҳосил бўлган ҳолларда айбдор шахсларни жинойий жазолашгача жавобгарликка тортиш топширилди.

Ходимлар ўз ҳуқуқларининг бузилганлиги тўғрисида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига, шунингдек иш берувчи жойлашган жойдаги вилоят прокуратурасига ёзма равишда хабар қилишлари мумкин.

¹ВМнинг 20.08.2008 йилдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган.

ЖАВОБГАР ТУГАТИЛИШ УЧУН ЁПИЛГАН. КРЕДИТОРЛАР БЕЗОВТА ҚИЛМАСИНЛАР

ИШНИНГ МОҲИЯТИ

2011 йил июлида «В» МЧЖ (бундан кейин – Жавобгар) билан «Г» ХК (бундан кейин – Даъвогар) ўртасида автотранспортнинг олди-сотди шартномаси тузилди. Унга кўра автомобилга у харидорга берилган кундан бошлаб 24 ойга ёки 50 000 км юришга (қайси ҳолат аввалроқ юзага келишига қараб) кафолат берилган.

Кафолат даври мобайнида бутловчи буюм (орқа кўприк редуктори) нуқсонли эканлиги аниқланди. Расмий дистрибьютор «Н» хатида кўрсатишича, мазкур нуқсон билан автомобилдан фойдаланиш хатарли бўлиб, йўлда аварияли вазиятни юзага келтириши мумкин.

ЖАВОБГАРНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Сервис дафтарчасига кўра харид қилинган енгил автомобилнинг ўзига хос таркибий қисмлари, агрегатлари ва деталларига кафолат муддати, қайси бири олдин бошланишига боғлиқ ҳолда, у биринчи харидорга берилган пайдан бошлаб 12 ой ёки 25 000 км босиб ўтиш деб белгиланган.

Харид қилинган автомобиль 25 000 км дан ортиқ юрганлигини ҳисобга олганда, Даъвогарнинг автомашинанинг орқа кўприги редукторини бепул таъмирлаш ёки алмаштириш талаби ноқонуний ва асоссиз, чунки Жавобгарнинг носозликни бартараф этиш бўйича кафолат мажбуриятлари ўз кучини йўқотган.

СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд муҳокамаси давомида Жавобгарнинг вакиллари даъво аризасини кўриш кунинда Адлия вазирлигининг корхонани давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этиб, у ихтиёрий тугатилиши муносабати билан мазкур иш юритишни тугатишни сўрадилар.

ЮРИСТ ШАРҲИ

Биринчи инстанция суди чиқарилган ажрим Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига тўла мувофиқ келади. Бироқ юқорида баён этилган вазиятда корхоналарни ихтиёрий тугатиш амалиётида мавжуд бўлган муаммолар масалалардан бирини кўриш мумкин. У шундан иборатки, контрагент (контрагентлар) ва (ёки) истеъмолчи (истеъмолчилар) олдида мажбурият (мажбуриятлар)га эга бўлган ҳужжалик юритувчи субъект ўзини ихтиёрий тугатишни бошлайди (баъзан уларни тўлиқ ижро этишдан қочиниятида). Бунда тугатилаётган корхона кредиторларнинг талабларини тўлиқ ёки

қисман тан олиши ҳолларидан ташқари, рўйхатдан ўтказувчи орган тугатилаётган корхонани тугатилиш олдидан ўзининг низолаштирилган шартномавий ва бошқа мажбуриятларини бажаришга мажбур эта олмайди, шунингдек унда ихтиёрий тугатиш жараёнини тўхтатиб туриш учун қонуний асослар мавжуд эмас (масалан, шартномавий ва бошқа мажбуриятлар бажарилмаслиги билан боғлиқ суд низолари юзага келганда).

Бундай муаммоларнинг олдини олиш учун баъзи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимчалар қилиш киритиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан:

Шартнома шартларига кўра кафолат билан қопланадиган бутловчи буюмга кафолат муддати автомобилнинг кафолат муддатига тенг деб ҳисобланади, агар у ишлаб чиқарувчи заводнинг айбига кўра яроқсиз ҳолга келганда ҳам, бунда Жавобгар автомобилга қараш, ундан фойдаланиш ёки сақлаш қоидаларига мажбурият этиш шартли билан уни бепул таъмирлаш ёки алмаштириш мажбуриятини олади.

Низони судгача ҳал этиш мақсадида Даъвогар автомобилнинг бутловчи буюми нуқсонини бартараф этиш тўғрисида эътироз юборди. Бироқ хат Жавобгарга етиб бормади, чунки у юридик манзилида бўлмаган

ва, кейинчалик аниқланишича, ихтиёрий тугатиш таомилини амалга оширган.

Жавобгар ва тугатувчи (тугатиш комиссияси) жойлашган жой тўғрисида ахборот излаб Даъвогар Адлия вазирлигига мурожаат қилди ва уни қидириш сабабларини баён қилди. Шундан сўнг Жавобгар эътирозга жавоб бериб, Даъвогарнинг талабларини ноқонуний, асосланмаган ва кафолат мажбуриятлари йўқолиши боис қониқтирилмайдиган деб ҳисоблашни маълум қилди.

Ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Даъвогар Тошкент хўжалик судига даъво аризаси берди.

ДАЪВОГАРНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Жавобгарнинг ишлаб чиқарувчининг (сотувчининг эмас) кафолат мажбуриятлари белгиланган сервис дафтарчасини тилга олиши ноўрин, чунки унинг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ келмайди. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг (26.04.1996 йилдаги 221-И-сон) 11-моддасига кўра бутловчи буюмларнинг кафолат муддати, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, асосий буюмнинг кафолат муддатидан кам бўлмаслиги лозим.

Бунинг устига, сервис дафтарчасида қайд этилишича, амалдаги қонун ҳужжатларида бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, истеъмолчи асосий

буюмга кафолат муддатидан қатъи назар, кам давом этадиган кафолат муддати тугаганидан кейин кўрсатилган таркибий қисмларнинг камчиликлари билан боғлиқ талабларни қўйишга ҳақли эмас. Мазкур ҳолда сервис дафтарчаси I бўлими 1.2, 1.3-бандларининг қоидалари қўлланмайди, чунки амалдаги қонун ҳужжатларида («Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси) бошқача қоида назарда тутилган.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодекси 234-моддасининг иккинчи қисмига кўра, мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мазкур ҳолда сотувчининг кафолат мажбуриятлари

шартномадан (сервис дафтарчаси қоидаларидан эмас) юзага келади, унда кафолат билан қопланадиган бутловчи буюмга кафолат муддати автомобилнинг кафолат муддатига тенг деб ҳисобланади.

Юқорида баён этилганлар асосида ҳамда автомобилга ва, тегишинча, унинг бутловчи буюмларига кафолат муддати тугамаганлиги, босиб ўтилган масофа 40 000 км дан кўп эмаслиги ҳамда сервис дафтарчасида ва (ёки) автомобилдан фойдаланиш қўлланмасида баён этилган автомобилга қараш, ундан фойдаланиш ва сақлаш қоидаларига тўлиқ риоя этилганлигини ҳисобга олиб, Жавобгар яроқсиз ҳолга келган орқа кўприк редукторини бепул таъмирлаши ёки алмаштириши шарт.

Биринчи инстанция суди иш материалларини ўрганиб, Хўжалик процессуал кодексининг 86-моддасига асосан Жавобгар ихтиёрий тугатилиши муносабати билан ишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

● Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида» қарорини (27.04.2007 йилдаги ПҚ-630-сон) янги меъёр билан тўлдириш зарур, унга кўра агар судда тугатилаётган корхона билан учинчи шахслар ўртасида мулкий тусдаги низо мавжудлиги тасдиқланса, рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш жараёнини тўхтатиб туриши шартлиги белгиланиши лозим. Суднинг аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрими (ёки ҳатто унинг суд томо-

нидан қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўйилган даъво аризаси) ана шундай тасдиқ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шунингдек кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондириш мумкин бўлмаганда корхонани ночор (банкрот) деб топиш тўғрисида ариза билан хўжалик судига мурожаат қилмаганлик учун тугатувчининг (тугатиш комиссияси раисининг) жавобгарлигини белгилаш лозим. Бу ҳолда тугатувчи (тугатиш комиссиясининг раиси) тугатилаётган корхонанинг кредиторлари олдида субсидиар жавобгар бўлиши керак;

● «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда (5.05.1994 йилдаги 1054-ХII-сон, 24.04.2003 йилдаги 474-III-сон Қонун тахририда) молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширадиган, кредиторларнинг талабларини қондириш учун маблағлари етарли бўлмаган, ихтиёрий равишда тугатилаётган корхоналарга нисбатан ҳам содалаштирилган таомилларни қўллаш имкониятини назарда тутиш лозим.

Тимур ТУРСУНОВ,
Алишер УБАЙДУЛЛАЕВ,
«VICTORY JURCONSALT»
МЧЖ юрисконсультлари.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУХАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуктаи назарига мос келмавермади. Тахририят муштарийлар билан ёзилиб туриш имкониятига эга эмас. «Norma maslahatchi»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан таъёрланган гипотезивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1048 Агади 2150. Бэхоси келишилган нархда
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилади.

Газета 2013 йил 8 июлда соат 16.50 да топширилди.

ISSN 2010-5223